

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ
VATAN —
BARHAMIZNIKI!

• 2009-yil • 22-dekabr • Seshanba • 155 (30.115) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили



Ўзбекистон ХДП номзодларининг сайловчилар билан учрашувлари

ХАЛҚ ВАКОЛАТИ — ҲАРАКАТ УЧУН АСОС

Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан халқ депутатлари Тошкент вилоят кенгашига номзоди кўрсатилган «Азизбек Умр» фермер хўжалиги раҳбари Раҳимжон Умировнинг сайловчилар билан учрашувида кўпчилик унга ишониши яққол сезилиб турди.

— Ҳамқишлоқларимизнинг ҳалол меҳнати эвазига турмушимиз тобора обод бўлиб бормоқда, — деди номзод. — Қишлоқда кичик-кичик корхоналар ташкил этиш, иссиқхона қуриш барқарор янги иш ўринлар, мўмай иш ҳақи деган гап.

(Давоми 2-бетда)

ТАНЛОВ ЎТКАЗИЛДИ

Термиз шаҳрида анъанавий «Йил аёли-2009» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари белгиланган шартларга қўри, сахна кўринишлари ва бадий-музыкали чизиқлари орқали ўз маҳоратларини намойиш этишди. Улар эришган ютуқлар ақс эттирилган кўргазма ҳам барчада катта қизиқиш уйғотди.

— Оила кўрки, таянчи бўлмиш хотин-қизлар юрт равнақи ва халқ фаровонлигини таъминлашга ҳам ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар, — деди Ўзбекистон ХДП «Фаол ёшлар» қаноти вилоят бўлими раҳбари Латофат Номозова. — Бу кўрик-танлов опа-сингилларимизнинг жамиятдаги фаолликларини янада ошириш мақсадида ўтказилиб келинаёпти.

Танловда партиямиз фаоли, Термиз тумани «Янги ариқ» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Олмаҳон Бердимуродова голиб, деб топилди.


(Ўз мухбиримиз)

КЎҲНА АРСИФДА ЗАМОНАВИЙ КОШОНАЛАР

Фарғонанинг баҳаво қир-адирлари бағрида бир гўша бор. Бу қадим Арсиф қишлоғидир. Бу ерда археологик изланишлар олиб борган олимлар қарийб уч минг йиллик тарихга эга топилмалар устида тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Бир томонда оромгоҳлар, бир томонда қиш фаслида ҳам тароватини йўқотмайдиган турфа хил шифобахш гиёҳларга бурканган қирликлар, яна бир томонда булоқ-

лар... Ҳа, бу сўлим қишлоқ ҳамisha одамларни ўзига чорлаб келган. Лекин Арсифнинг энг катта бойлиги — ўзига хос фольклор маданияти, санъатига эга хушфелъ ва меҳмондўст халқидир. Қачон Арсифга келманг, нотаниш одам ҳам олдингизга чой-нон билан бир сиқим машҳур сиқма ўригилан кўядида, сўнг ҳол-аҳвол сўрайди.

(Давоми 4-бетда)



ЎзЛиДеП аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами манфаати билан боғлиқ ташаббусни нега хуш кўрмади? Чунки, либераллар эркин бозор иқтисодиёти тарафдори. Эркин бозор иқтисодиёти ўз табиатига кўра, меҳр-оқибат тамойилларига бегона ғоя.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси 2009 йил сайловларига Сайловолди дастурида ҳам аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатлами манфаатларини ҳимоя қилишни бош мақсад сифатида белгиланган. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган ЎзХДП депутатлари ўз фаолиятини партия дастурий ҳужжатлари асосида ташкил этиб, электорат манфаати йўлида қатор ташаббуслар билан чиқмоқда.

Сурхондарё вилоятида аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлашда ечимини кутаётган муаммолар бор эди. Партиямиздан сайланган депутатлар тармоқдаги аҳолини ўрганиб чиқиб, масалани халқ депутатлари вилоят Кенгашининг 2006 йил 28 августда бўлиб ўтган сессияси муҳокамасига киритган эди. Баҳс-мунозарадан сўнг «Вилоятда ичимлик сув таъминоти аҳоли ҳақида» қарор қабул қилиниб, махсус дастур ишлаб чиқилди, вилоят, шаҳар, туман

ҳокимликлари тизимдаги муаммо ва камчиликларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратди. Шу мақсадда нафақат бюджет, балки ҳомийлар, шунингдек, инвестиция маблағлари жалб этилди. Жуда катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Бироқ жойларда бу борадаги айрим камчиликлар эътибордан четда қолган эди. Шу сабабли депутатлик гуруҳимиз бу масалани яна бир бор чуқур ўрганиб, иккинчи марта сессия муҳокамасига киритди. Унда

ЎЗХДП ТАШАББУСИ

ЎзЛиДеПга нега ёқмаяпти?

билдирилган танқидий фикрлардан келиб чиқиб, тегишли қарор қабул қилинди. Вилоят ҳокимлигининг капитал қурилиш, коммунал хўжалик ва ободончилик масалалари бўйича мажмуаси, Термиз шаҳар ва туман ҳокимликларига аҳолини ичимлик суви таъминотини яхшилаш бўйича қабул қилинган дастурларнинг ижросини ўз вақтида тўлиқ бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилди.

Халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан эса Алишер Навоий номи маҳаллада сув қудуғи қазилиб, табиий газ қувур-

лари тортилди. Халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи Президентимизнинг 2008 йил 28 майдаги «Республика иқтисодиёти тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилмаётганини ўрганиб, бу масалани ўз йиғилишида муҳокама қилган эди. Ушунда айрим ташкилотлар раҳбарлари масалага бепасандлик билан қараган, ҳатто ушбу йиғилишда кўтарилган масала ўта долзарблигини ҳам англаб етмаган эди. Депу-

татлик гуруҳи аъзолари ушбу масалани халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгаши сессияси кун тартибига киритиш ва уни давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик органи даражасида муҳокама этишга қарор қилишди.

2008 йил 13 декабрь куни бўлиб ўтган халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашининг навбатдаги сессиясида ЎзХДП депутатлик гуруҳи ташаббуси билан мазкур масала муҳокама этилди. Сессия қабул қилган ҳужжатда «Шимолгазтаъминот» унитар корхонаси вилоят бошқармаси, «Электр тармоқлари» акциядорлик жамияти, «Хоразм иссиқлик

манбаи» акциядорлик жамияти ва вилоят уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси фаолияти таҳлил қилиниб, қарор ижроси қониқарсиз аҳволда эканлиги қайд қилинди. Ушбу ҳолатни яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди. Вилоят ҳокимининг

ўринбосарига шаҳар ва туманлар ҳокимлари, тегишли ташкилотлар билан бирга таълим, соғлиқни сақлаш муассасаларида қиш мавсумига тайёргарлик ишлари бўйича мавжуд муаммоларни зудлик билан бартараф этиш вазифаси юклатилди. «Хоразм иссиқлик манбаи» акциядорлик жамиятига эса маҳаллий бюджет ҳисобидан қўшимча маблағ ажратиладиган бўлди. Шу билан бирга, шаҳар, туман ҳокимлари, шаъул ташкилотлар зиммасига тезкор равишда аҳолига кўмир ва бошқа турдаги ёқилги маҳсулотлари етказиб бериш вазифаси юклатилди.

(Давоми 2-бетда)

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

ТАЪЛИМДА ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК

Президентимиз давлатимиз Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган маросимдаги маърузасида ҳақли равишда таъкидлаганидек:... тараққий толган мамлакатлар қаторига кўтарилиш учун ҳаракат қилаётган жамият биринчи навбатда, бугун униб-ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуг, керак бўлса, энг муқаддас мақсад деб билади.

Ушбу эзгу ниятлар ижобат бўлиши учун бугун мамлакатимизда кенг қамровли ислохотлар олиб боришмоқда! Лекин шу билан бирга даврнинг ўзи, вақтнинг ўзи олдимизга бир қатор вазифаларни ҳам қўймоқда. Шулардан бири — бу таълимдаги ижтимоий шерикликдир. Кўпчилигимиз учун нотаъиниҳол туюлган бу тушунча ўзида нимани муҳассамлаштирган? Ижтимоий шериклик кўпроқ нималарга эътибор бериши керак?

Мамлакатимизда таълим тизими, ходимлар, иш берувчилар, жамоат ташкилотлари, давлат ҳокимияти органларидан иборат жамиятнинг асосий ижтимоий кучлари ўзaro муносабатларининг эволюцион жараёни натижасида жаҳон амалиётида ижтимоий шериклик институти қарор топган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон чўқур ўзгаришлар, иқтисодийни жадал модернизациялаш, ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини сифат ва тузилмалари жиҳатдан ўзгариштирилган даврнинг бошдан кечирмоқда.

Давлатнинг муайян фаолият таъсиридаги ижтимоий шериклик институти — иқтисодийни модернизациялаш зарур таркибий қисм бўлган янги ижтимоий институт сифатида намоён бўлмоқда. Мазкур институтининг асосий вазифаси ижтимоий гуруҳлардаги ижтимоий кескинликни пасайтириш, ижтимоий эҳтиёткорлик барҳам беришдан иборатдир. Ижтимоий шериклик ҳозирнинг ўзидеёқ жамиятнинг ҳаётини эҳтиёткорлик билан, ижтимоий муносабатлар амалиётида ўзининг серкирра ифодасини топмоқда.

Ўзбекистондаги мавжуд шарт-шароитлар, ўтказилган ўзгаришларнинг барқарор жараёни ижтимоий шериклик институтини ривожлантириш учун ноёб шароитлар яратмоқда. Шу жиҳатдан олганда ижтимоий шерикликнинг ўзимизга хос моделларини излаб топиш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган илмий услубий ва амалий ишни давом эттиришимиз зарур.

Ижтимоий шериклик борасида асрлар давомида туپланган тажрибани бойитиб ва такомиллаштириб бориб, бундан жамиятимизни ривожлантириш учун аниқ мақсадни кўзлаб фойдаланиш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини даврнинг ўзи кўрсатмоқда.

Айни вақтда, мамлакатимизда ижтимоий шериклик амалиётини рўйбга чиқаришнинг энг муҳим шартлари шакллантирилган, улар қуйидагилардан иборат:

- жамият ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ривожланишининг барқарорлиги;
- жамият етуқлиги, турли гуруҳлар ва

Баркамол авлод орзуси

ларнинг икки томонлама, ҳам кўп томонлама шартномалари шаклида ўз ифодасини топиши мумкин. Бундай шартномалардан кўзланган мақсад — ижтимоий шериклик принциплари асосида муайян ҳудудларда ижтимоий ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилинган, тараққий толган меҳнат бозорини таъминлаш учун шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Бандлик ҳимоясининг иш таърибаси шундан далolat берадики, иқтисодиёт тармоқларида фаол тарзда кучайиб бораётган ўзгаришлар ижтимоий-меҳнат муносабатларида ва бандлик соҳасида жиҳдий ўзгаришлар бўлишига олиб келади.

Аҳоли бандлигига, иш-сизликдан ҳимоя қилишга доир муаммоларни давлат ёки нодавлат тузилмаси бўлишидан қатъи назар, фақатгина ижтимоий-меҳнат муносабатлари барча субъектларнинг, ижтимоий бирлашмаларнинг иш-тироқ этиши орқалигина ҳал этиш мумкин, бундай тузилмаларни меҳнат бозорини тартибга солиш жараёнига жалб этиш учун ижтимоий шериклик механизми асос бўлиб хизмат қилади. Демократик жамиятда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга бўлган мамлакатларда тубдан янги ижтимоий — меҳнат муносабатлари ва ана шу муносабатларни тартибга солишини сифат жиҳатдан янги принципларни шакллантириш зарур.

Биринчидан: ижтимоий шериклик институти амал қилиши учун мақбул ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш; ижтимоий шериклик учун таалуқли имкониятлар яратувчи томонларнинг қизиқишлари ҳамда жавабгарлик даражаси ва битимларни рўйбга чиқариш механизмларини назарда тутиб қонун ҳужжатлари ишлаб чиқиш ва қабул қилиш; шериклик муносабатлари тизимида турли ижтимоий шериклик формаларини оммалаштириш, ижтимоий шериклик амалиётини умумлаштириш ва унга доир муаммоларни назарий жиҳатдан ишлаб чиқиш; ҳамкорлик субъектлари вакилларига шериклик муносабатларининг асосларини ўргатиш; шериклик тизимида профессионал шуғулланувчи кадрлар тайёрлаш.

Давлат ва жамият, узлуксиз таълим тизими, айниқса, касб-хунар таълими тизими, иш берувчилар, турли хил таълим муассасаларининг битирувчилари шериклик муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришдан, унинг негизда ислохотларнинг суръатлари ва йўналишларида тараққийга эришишдан манфаатдордирлар. Шунингдек, ижтимоий шериклик манфаатдор тараф-

нинг яққол тимсоли сифатида хизмат қилмоқда. Ушбу дастурни ишлаб чиқиш ва рўйбга чиқаришда идоралар ва жамоат ташкилотлари ўзaro тенг манфаат нуктаи назаридан иштирок этмоқда.

Яна бир ўта муҳим масала — ёшларни тарбиялашнинг яхлит тизимини шакллантириш ва ривожлантириш, улар онгига миллий ғоя мазмун-моҳиятини синдириш ва бу мақсад учун барча давлат ва нодавлат тузилмаларнинг куч-ғайратини йўналтириш ижтимоий шерикликнинг асосий кўринишларидан биридир.

Шунингдек, бандлик ҳимоясининг ноғиронларнинг банд бўлишига кўмаклашиш ташкилотларидаги шериклар билан биргаликда ҳаракат қилиш жараёни ҳам ижтимоий шерикликнинг яна бир кўриниши ҳисобланади.

Ижтимоий шериклик шакллантириш ва ривожлантиришда таълим тизимининг роли ва тугган ўрни, айниқса, муҳимдир. Биргина касб-хунар таълими соҳасини олиб кўрайлик, унинг доирасида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг, иш берувчилар ва уларнинг касбага уюшмалари бирлашмаларининг, ҳудудий бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш хизматлари ҳамда кўлаб ижтимоий шерикларнинг манфаати ётади.

Ижтимоий шериклик умуман таълим тизими ва хусусан, ўрта махсус, касб-хунар таълими учун ривожланишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий шериклик тизимига кирувчи таълим муассасалари иш берувчиларнинг талабларига ўз вақтида муносабат билдириши мумкин, ва шу орқали кадрлар тайёрлаш, уларни ишга жойлаштиришнинг зарур даражасини таъминлайди.

Касб-хунар коллежларида мутахассисларни буюртмалар асосида мақсадли тайёрлашни йўлга қўйиш, таълим муассасалари фаолиятини бевосита жойлардаги эҳтиёткорлардан келиб чиққан ҳолда шакллантириш талаб этилади.

Шериклик натижасида касб-хунар таълими муассасалари қўшимча имкониятлар эга бўлади:

— касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари ишга жойлаштиришда ижтимоий динамикага ва меҳнат бозорида уларга талаб ортишига;

— таълим хизматлари бозорида бевосита касб-хунар таълими муассасалари бўлиб қолган талабнинг ошишига;

— турли хил таълим хизматларини рўйбга

чиқариш ҳисобига буюр-жетдан ташқари молиялаштиришнинг ўсишига;

— ўқув моддий-техник-базасини мустаҳкамлашга;

— ўқувчилар ва ўқитувчилар учун корхоналарда амалий машғуллотлар ташкил этишга;

— меҳнат бозори тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишни содда-лаштириш ва ходимлар тайёрлашнинг янги йўналишларини танлаш ҳамда шу каби бошқа имкониятлар.

Иш берувчиларнинг касб-хунар таълими муассасалари билан ижтимоий шерикликни шакллантириш ва ривожлантиришдан иқтисодий манфаатдорлиги бор.

Шунингдек, бандлик ҳимоясининг ноғиронларнинг банд бўлишига кўмаклашиш ташкилотларидаги шериклар билан биргаликда ҳаракат қилиш жараёни ҳам ижтимоий шерикликнинг яна бир кўриниши ҳисобланади.

Ижтимоий шериклик шакллантириш ва ривожлантиришда таълим тизимининг роли ва тугган ўрни, айниқса, муҳимдир. Биргина касб-хунар таълими соҳасини олиб кўрайлик, унинг доирасида қонун чиқарувчи ва ижро этувчи, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг, иш берувчилар ва уларнинг касбага уюшмалари бирлашмаларининг, ҳудудий бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш хизматлари ҳамда кўлаб ижтимоий шерикларнинг манфаати ётади.

Ижтимоий шериклик умуман таълим тизими ва хусусан, ўрта махсус, касб-хунар таълими учун ривожланишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий шериклик тизимига кирувчи таълим муассасалари иш берувчиларнинг талабларига ўз вақтида муносабат билдириши мумкин, ва шу орқали кадрлар тайёрлаш, уларни ишга жойлаштиришнинг зарур даражасини таъминлайди.

Касб-хунар коллежларида мутахассисларни буюртмалар асосида мақсадли тайёрлашни йўлга қўйиш, таълим муассасалари фаолиятини бевосита жойлардаги эҳтиёткорлардан келиб чиққан ҳолда шакллантириш талаб этилади.


Шериклик натижасида касб-хунар таълими муассасалари қўшимча имкониятлар эга бўлади:

— касб-хунар таълими муассасалари битирувчилари ишга жойлаштиришда ижтимоий динамикага ва меҳнат бозорида уларга талаб ортишига;

— таълим хизматлари бозорида бевосита касб-хунар таълими муассасалари бўлиб қолган талабнинг ошишига;

— турли хил таълим хизматларини рўйбга

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов



Ўзбек адабиёти оғир жудолукка учради. Ўзбекистон халқ ёзувчиси, атоқли адиб Одил Ёқубов шу йил 21 декабрь куни 83 ёшида вафот этди. Одил Ёқубов 1926 йили хизматчи оиласида туғилди. 1944 йилда ўрта мактабни тугатиб, 1945-1950 йилларда ҳарбий хизматни ўтади. 1951-1956 йилларда Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети) филология факультетида таҳсил олди. Шундан сўнг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида маслаҳатчи, «Литературная газета»нинг республикамиз бўйича махсус муҳбири, «Ўзбекфильм» киностудиясида ва Кинематография давлат қўмитасида бош муҳаррир, Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида бош муҳаррир манлар адабиётимиз хазинасида муносиб ўрин эгаллади.

Одил Ёқубов катта ва сермазмун ижод йўлини босиб ўтди. Адибнинг биринчи йирик асари «Тенгдошлар» қиссаси 1951 йилда нашр этилди. Қарийб ярим асрлик ижодий фаолияти давомида Одил Ёқубов яратган ўнлаб насрий китоблар, жумладан, «Икки муҳаббат», «Муқаддас», «Қанот жуфт бўлади», «Биллур қандиллар», «Излайман» каби қиссалар, «Эр бошига иш тушса», «Улғубек хазинаси», «Диёнат», «Оқ қушлар, оппоқ қушлар», «Адолат манзили» сингари романлар адабиётимиз хазинасида муносиб ўрин эгаллади.

Меҳнатқаш ва бағрикенг халқимизнинг мураккаб тарихи ва бугунги ҳаёти катта маҳорат билан акс эттирилган бу асарларнинг аксарияти кўпгина хорижий тилларга таржима қилиниб, чет элларда чоп этилган.

Одил Ёқубов бадий проза билан бир қаторда драматургия ва публицистика жанрларида ҳам самарали ижод қилиб, ўзининг ёрқин истеъдодини намоён этди.

Атоқли ёзувчининг Ўзбек адабиётини ривожлантиришдаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. У «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» фахрий унвони, Давлат мукофоти, «Дўстлик» ва «Эл-юрт хурмати» орденлари билан тақдирланган эди.

Улкан адиб ва жамоат арбоби Одил Ёқубовнинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

И.Каримов, И.Собиров, Д.Тошмухамедов, Ш.Мирзиёев, А.Арипов, Х.Султонов, А.Орипов, Б.Алимов, П.Қодиров

ЖАМОАТ ЖОЙЛАРИДА ПИВО ИЧИШ

Беларусь сенати жамоат жойларида, яъни кўчаларда, стадионларда, хибобларда, маданият ва истироҳат боғларида кучсиз алкоголь ичимлиги — пиво ичишни тақиқловчи қонун лойиҳасини маълум қилди. Ушбу қонун жамоат транспортда ичиб юриш ва сарҳуд ҳолатда транспорт бошқаришни ҳам қатъий тартибда ман этади.

Шунингдек, дейилади «БЕЛТА» АА хабарига, самон ва брага (хонаки пиво) ишлаб чиқариш ва унинг савдоси билан шуғулланганлик учун ҳам маъмурий жавобгарлик белгиланди. Уйда 5 литрдан ортиқ самон, 30 литрдан ортиқ брага сақлаганлар ҳам жазима жазосига тортилди.

Қонун мамлакат президенти томонидан имзоланган, кучга кирди.

Қуйидаги хабар ҳам Беларусь ҳаёти билан боғлиқ. «Новости» АА маълум қилишича, республика бош прокуратураси юқори лавозимли корчалонларнинг қамқонхоналарга саёхатини тез-тез уюштириш тақдирини илгари сурмоқда. Бош прокуратуранинг айтишича, бу тадбир мамлакатда порахўрликнинг илдизига болта уришда, албатта, ўз самарасини беради. Шунингдек, бош прокуратурада корчалонларнинг даромадларини декларациялаш тартиби назоратини кучайтириш бўйича ҳам тақдирлар тайёрланди.

«Интерфакс-Запад» АА хабарига қараганда, жорий йилда республикада порахўрлик билан қўлга тушганлар ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 17 фоизга кўпайган.

«Transparency International» таҳлилларига кўра, бу йил Беларусь коррупция ривожланган давлатлар рўйхатида 140-ўринда турибди.

МАНЗИЛГА ВЕЛОСИПЕДДА

Лондон маъмурияти велосипедни ижарага бериш бўйича шуғулланувчи 400 та пункт қуришга киришди.

«Evening Standard» газетасида чоп этилган хабарда қайд этилишича, келгуси йилнинг ёзига бориб шаҳарда ижара пунктларида 6 мингта велосипед шаҳарликлар ва шаҳар меҳмонлари хизматида бўлади.

Велосипедни ижарага олишни истовчилар бир пунктдан олган велосипедни ўз манзилига етган, ўша манзилдаги ёки унга яқин манзилдаги пунктта топширади.

Велосипедни ижарага олган шахс биринчи ярим соатлик фойдаланув учун ҳақ тўламайди. Қолган вақтлар учун 1 фунтдан 50 фунтга ҳақ тўлайди.



Бу лойиҳани кўпчилик қўлаб-қувватламоқда. Нераки, велосипед экологик тоза транспорт тури ҳисобланади. Бундан ташқари, уни ижарага олган шахс кўчалардаги транспорт тикинлари боис мўлжалланган манзилга кечикмай етиб боради.

Огоҳлик — давр талаби

ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ТЎХТАТИБ ҚОЛИНДИ

Пиротехника маҳсулотларининг республикамиз ҳудудига олиб кирилиши ва унинг ички бозорда сотилишининг олдини олиш мақсадида мутасадди ташкилотлар қаторида республикамиз божхоначилари ҳам комплекс чора-тадбирларни амалга оширишмоқда.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, республикамиз божхоначилари томонидан жорий йилнинг ўтган даври мобайнида аниқланган 83 та қонунбузарлик ҳолатларида қиймати 264 миллион сўмдан ортиқ салкам 12 млн. дона пиротехника воситалари олиб қўйилган.


Наманган вилояти божхона бошқармаси «Қамчиқ» ҳаракатдаги божхона пости ходимлари «МАН» русумли юк машинасини божхона назоратидан ўтказишганда, унда фуқаро И.Ишоновга тегишли, нархи қарийб 2.4 млн сўмлик, 143 минг 400 дона «Новый век» номли пиротехника воситаларини ноқонуний равишда олиб кетилаётганлигини аниқлашди.



Сирдарё вилоятида катта йўл четига тахлаб қўйилган қоғоз қутилар ва уларнинг ёнида автобус қутиб турган аёл вилоят божхона бошқармаси ходимларининг диққатини тортиди. Аммо, ўтказилган кўриқдан сўнг барчаси ойдинлашди — ушбу 21 дона қоғоз қутилардаги маҳсулот оз эмас-кўп эмас, нақд 1 тоннадан зиёд пиротехника воситалари бўлиб чиқди. Божхона расмийлаштирувчини тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаган мазкур «Тренция» номли 604 минг 800 дона ҳавфли паклилоқларни шахрсабзлик Х.Мўминова қўшни республикадан яширин равишда юртимизга олиб кирган экан.

Мўмай даромад учун фарзандларимиз ҳаётини ҳавф остига қўяётган ушбу кимсалар энди қонун олдига жавоб берадилар.

Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати



Давлат божхона қўмитаси Матбуот хизмати

TURON BANK ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРAT «ТУРОНБАНК»

ЮРТИМИЗ АҲОЛИСИНИ КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ — 2010 ЙИЛ БИЛАН МУБОРАҚБОВ ЭТАДИ. БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЮҚОРИ ФОИЗ ОЛИШНИ ИСТАГАН КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИГА

вақтинча бўш турган маблағларини «Туронбанк»нинг юқори ликвидли активлари билан кафолатланган депозит сертификатларига жойлаштириш имконини яратди.

Бу орқали Сиз ўз маблағларингизни юқори фойзлик даромад манбаига айлантиришингиз ҳамда ушбу қимматли қоғозлардан қўшимча молиявий инструмент сифатида самарали фойдаланишингиз мумкин.

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН депозит сертификатлари қуйидаги шартлар асосида тақлиф этилади:

Муддати	Номинал	Фойз (ставка) %да (йиллик)
8 ойга	50 000 000 100 000 000	13
13 ойга	50 000 000 100 000 000	14
36 ойга	100 000 000	15

Қўшимча маълумотларни: (+998 71) 244-12-74, 244-25-81 телефонлари ёки www.turonbank.uz сайти орқали олишингиз мумкин.

2009 йил — Қишлоқ тараққиёти

ВА

фаровонлиги йили





КЎҲНА АРСИФДА ЗАМОНАВИЙ КОШОНАЛАР

Арсиф қишлоғида бугун 8 минг аҳоли яшамоқда. Ўтиб бораётган Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилининг сўнгги кунлари қишлоқ аҳли ҳаётида

(Давоми. Боши 1-бетда)

унутилмас воқеа бўлди. «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси ташаббуси билан қурилган маданият ва спорт мажмуаси, ёшлар маркази ҳамда тиббиёт муассасалари фойдаланишга топширилди.



— Қишлоғимизда спортга қизиққан ёшлар кўп эди-ю, лекин шуғулланганидан жой бўлмаган, — дейди янги очилган болалар ва ўсмирлар спорт

мактаби директори Воҳиджон Содиков. — Мана энди спортнинг ўнги тури бўйича машғулотлар олиб бориш учун барча шароитлар яратилди.

Дарҳақиқат, спорт мактаби заллари ёшларнинг қизиқишига қараб барча зарур инвентар ва жиҳозлар билан таъминланган. Энг муҳими, шу спорт турларини ўргатадиган тажрибали мураббийлар ҳам жалб этилган.

Кириб келатган янги Баркамол авлод йили арафасида қишлоқда муҳташам ёшлар маркази қурилиб ишга тушганида ҳам рамзий маъно бор. Жамғарма хомийлигида ташкил этилган кутубхона, компьютер маркази ҳам ўз фаолиятини бошлади.

биётлардан ташқари тарихий асарлар кўп экан. Энди ҳар кун дугоналарим, укаларим билан бу ерга келамиз, — дейди арсифлик ўқувчи қиз Сайёра Абдуллаева.

Компьютер марказида бир ўспирин чаққон ҳаракатлар билан ишлаб ўтирарди. У билан танишдик.

— Аббосхон Абдуллаевман. Шу ердаги мактабда ўқийман, — деди у. Компьютерда ишлашни жуда жуда хоҳлайман. Бу ерга эса энг замонавий компьютерлар қўйилди. Менинг мақсадим — ўзим қизиққан фанга доир маълумотларни интернет орқали олиш ва билимимни бойитиш.

Арсиф қишлоғида бунёд этилган тиббиёт маркази қишлоқ болалари, ёшларнинг саломатлигини назорат қилиш, даволаш ва мустақамлашга хизмат қилади. Унга замонавий тиббиёт жиҳозлари ўрнатилган.

— Бу техник воситаларда биз, аввало, аниқ диагноз қўйиш имкониятига эга бўлдик. Она ва бола саломатлиги, репродуктив ёшдаги аёллар соғлигини мустақамлаш борасидаги вазифаларни амалга оширамиз, — дейди шифокор Тўлқин Абдуҳакимов.


Арсиф қишлоғидаги тантаналар чоғида «Сен ёлғиз эмассан» жамғармаси хомийлик кенгаши раиси Лола Каримова мажмуанинг рамзий қалитини топширар экан, туҳфа этилаётган иншоотлар қишлоқ аҳлига узоқ йиллар хизмат қилишига ишонч билдирди.

Муҳаммадjon ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.
Муқимжон ҚОДИРОВ
олган суратлар.

СПОРТ

Равшан Алматов Наманган вилоятининг Уйчи туманида таваллуд топган. «Турон» якка кураши бўйича халқаро тоифадаги спорт устаси. 2007 йил Нукусда илк мартаба ташкил этилган Осиё чемпионатининг қолиби. Бир неча карра Ўзбекистон чемпиони.

«ТУРОН» БАҲОДИРИ



— Қишлоғимизда турли халқ сайиллари, тўй ва байрамлар кураш мусобақаларисиз ўтмасди. Тенгдошларим билан майдонда бел олишаётган полвонларга ҳавас билан боқардик. Бунинг устига акам ҳам полвон эди. Бора-бора мендаги бу ҳавас орзуга, орзу эса мақсадга айланди.

Хусусан, «Турон» якка курашида ҳалоллик биринчи ўринда туради. Полвонлар майдонга чиққанда қўлларини юқорига кўтариб, бир-бирларига қафларини кўрсатади. Бу «Кўриб қўй, қўлимда ҳеч нарса йўқ, ҳалол курашаман» деганидир.

Дастлаб туман биринчилигида қатнашиб юрдим. Шундан сўнг, устозим Абдуғофур Исломов мени пойтахтимиздаги Олимпия захиралари коллежига олиб келди. Бу ерда ҳам қатор халқаро мусобақалар, республика ва Осиё чемпионатларида фахрли ўринларни қўлга киритдим.

Бугунги кунда «Турон» якка кураши тарихи ва назариясига оид илмий изланишлар олиб бораёяман.

Орзуларим кўп. Бугун «Турон» якка кураши халқаро миқёсда тан олинди, жаҳоннинг қўллаб мамолатларида ривожланиб бормоқда. Хусусан, АҚШ, Германия, Нидерландия, Украина, Латвия, Молдова, Белорус ва бошқа давлатларда унинг спорт секциялари ишга тушган.

Бугун «Турон» якка кураши юртимиз довуғини дунёга танитмоқда. Айниқса, хорижлик полвонларнинг «Турон» ёзуви туширилган ўзбекча яктада гиламга чиқиб, ўзбекча саломлашиш билан курашни бошлаганларида қалбимни чекисиз гурур, ифтихор туйғулари эгаллайди.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ ёзиб олди.

БОЛАЛИК БАЙРАМЛАРИ



Шавкат КАҲҲОРОВ олган сурат

Чилонзор туманидаги 201-мактабда бошланғич синф ўқувчилари ўртасида заковат-интеллектуал ўйини ўтказилди. Одобнома фани ўқитувчиси Гулчехра Фазлиддинова тайёрлаган ушбу мусобақада бешта шарт бўйича ўқувчиларнинг билимдонлиги, ҳозиржавоблиги, ижодкорлик ва ижрочилик маҳоратлари синовдан ўтказилди. Шунингдек, унда ўзбек халқ эртақларидан сахна кўринишлари намойиш этилди.

Анжуман

Фавкуллда вазиятлар вазирлигида «Республика аҳолиси ва ҳудудларини фавкуллда вазиятлардан муҳофаза қилиш самарадорлигини ошириш йўллари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

ФУҚАРОЛАРИМИЗ ХАВФСИЗЛИГИ

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси фавкуллда вазиятлар вазирлиги, генерал-майор Қ.Ахмедов халқимиз тинчлиги, осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашда ҳамда аҳоли ва ҳудудларни табиий ва бошқа фавкуллда вазиятлардан муҳофаза қилишда Президентимизнинг тегишли фармон ва қарорлари муҳим омил бўлаётганини алоҳида таъкидлаб ўтди. 2009 йилда амалга оширилган тадбирлар хусусида тўхталар экан, вилоятларда дарё ва сойлар ўзаниларини тозалаш, қирғоқ ҳамда гидротехник иншоотларни мустақамлаш ишлари кенг кўламли олиб борилганини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, мамлакатимиз ҳудудидаги сув омборлари, селхона ва сел йўллари ҳамда оқимларини қабул қилиш ва сув тошқинларини талафотсиз ўтказиб юбо-

ришга тайёргарлик ҳолати текшириб чиқилганлиги тўғрисида маълумотлар берди.

Бундан ташқари, вазирлик фавкуллда вазиятларда тўғри ҳаракат қилиш бўйича ҳам ҳудудий қўйи тизимлар куч ва воситаларининг шайлигини ошириш мақсадида бир неча ўқув машқалари, машғулотлар ўтказди.

Республикамиз вилоятларида ўтказилган ана шундай тадбирларда аҳоли ўртасида фавкуллда вазиятларда тўғри ҳаракатланиш, атрофдагиларга ёрдам бериш бўйича тушунтириш ишлари изчил олиб борилганлиги боис бугун фавкуллда вазиятлар билан боғлиқ кўнгилсиз ҳолатлар тобора

камайиб бормоқда.

Анжуманда сел ва сув тошқини ҳамда қор кўчиш хавфи мавжуд ҳудудлардаги объектларнинг мониторингини олиб бориш, хавфли геологик жараёнларни кузатиш, фавкуллда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этишда санитария эпидемиология хизматининг ўрни ва вазифаси, давлат ветеринария хизмати томонидан хавфли юқумли касалликларга қарши олиб борилаётган чора-тадбирлар, йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш, пиротехника воситалари билан боғлиқ ҳолатларнинг олдини олиш каби мавзуларда маърузалар тинланди.

Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ

Ўзбекистон ХДП Фарғона вилоят кенгаши жамоаси
Кенгаш раиси ўринбосари Зиёдаҳон Абдуллаевага онаси
САБОХОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

Республикамиз аҳолисини кириб келатган
2010 йил билан самимий табриклайди ва
«Янги йил туҳфаси» байрам депозити
яна амалга киритилганлигини маълум қилади:

САҚЛАШ
МУДДАТИ — 100 КУН;

ФОИЗ СТАВКАСИ
ЙИЛЛИК — 28 %;


ФОИЗЛАР ОМОНАТНИ
САҚЛАШ МУДДАТИ
ТУТАГАНИДАН КЕЙИН
ТЎЛАНАДИ;

ОМОНАТГА ҚЎШИМЧА
БАДАЛЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ;

ДАСТЛАБКИ БАДАЛ МИҚДОРИ ЧЕКЛАНМАГАН.

Омонатга пул маблағлари қабул қилинадиган охириги муддат
— 2009 йил 31 декабрь.

Айни пайтда банк миллий валютадаги «Манзур», «Фаввора», «Ифтихор», «Афзал», «Нафосат» ва «Истеъдод» муддатли омонатларининг амал қилиш вақти илгарти тасдиқланган шартларда узайтирилганлигини маълум қилади.



ЎЗ ЖАМҒАРМАЛАРИНИ
БОШҚАРИШНИ БИЗГА ИШОНИБ
ТОПШИРГАНЛАРИНИНГ
ФАРОВОНЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ
МАСЪУЛ ДЕБ БИЛАМИЗ!

Қўшимча ахборот олиш учун
235-42-83, 234-14-14 рақамли телефонлар орқали ёки банкнинг исталган
бўлими/филиалига мурожаат қилиш мумкин.
www.nbu.com

Хизматлар лицензияланган.

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afur HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Partiya hayoti

233-10-13

Madaniyat va sport

233-69-45,

(Tel. Faks) 233-21-43

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot

233-20-36,

233-44-55

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot

233-12-56

Reklama va e'lonlar

233-38-55,

233-47-80

Mas'ul kotib

233-72-83,

236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —

25-32-70

Buxoroda —

223-06-02

Gulistonda —

25-46-45

Jizzaxda —

227-48-35

Navoiyda —

223-83-73

Namanganda —

226-43-81

Nukusda —

222-77-21

Samarqandda —

35-02-55

Urganchda —

517-30-58

Farg'onada —

224-18-78

Denovda —

8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail:
info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:

Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O'zbekiston
ovozi»ning kompyuter
markazida teriladi va
sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

«Sharh» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasi
bosmaxonasida chop etildi.

Korxonalar manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «O'zbekiston
Matbuot va axborot agentligida
0006-raqam bilan 2007 yil
11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida,
A-2 formatida bosiladi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba
va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi»
materiallarini ko'chirib
bosish faqat ta'hiyiyat ruxsati
bilan amalga oshiriladi.

Г — 1149

8680 nusxada bosiladi

1 — Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'Za yakuni — 23.40

Topshirilgan vaqti — 02.25

1 2 3 4 6 7 8

Sofuvda erkin narxda